# Ўқув топшириқлари

**Топшириқ.** Рейтинг", "Технология", "Инновация" тушунчаларини изоҳланг?

| Рейтинг | Технология | Инновация |
|---|---|---|
| рейтинг-синов, усул, текшириш, билимни баҳолаш | Технология деганда, субъект томонидан объектга кўрса-тилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. | бу янгилик, янги тартиб қоида, ўзгариш |
| | | |

**Ўқув топшириқ.**

*1-гуруҳ*

Таълим тизимидаги янгиликларни тушунтириб беринг? (Аниқ мисоллар келтиринг).

2-гуруҳ

Таълимда технологик ёндашиш вариантлари ҳақида фикр билдиринг? (Аниқ мисоллар келтиринг).

3-гуруҳ

Педагогик технологиянинг туркумланишини кўрсатинг?

4-гуруҳ

Таълим технологияси босқичлари ва унинг методикаси ҳақида гапиринг? (Аниқ мисоллар келтиринг)

**Ўқув топшириқ.**

**Блиц-сўров саволлари**

| *№* | *Савол* | *Жавоб* |
|---|---|---|
| 1. | Педагогик технологияга таъриф беринг. | |
| 2. | Педагогик технологиянинг вазифалари нималардан иборат? | |
| 3. | Педагогик технологиянинг элементларини санаб беринг? | |
| 4. | Технологик ёндашиш нима? | |
| 5. | Янги педагогик технологияларни | |

| | | |
|---|---|---|
| | классификациялаб беринг? | |
| 6. | Педагогик технология тушунчаси неча аспектда қўлланилади? | |

**Ўқув топшириқ.**

Кластер техникаси асосида ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабларни белгилаб чиқинг.

**Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар:**

- Жамият ривожланишининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолай олиши;
- Муайян тараққиёт даврида жамият учун зарур бўлган бўлғуси мутахассисни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлиши;
- Педагогик фаолиятни севиши;
- Ўз соҳаси бўйича махсус билимларга эга бўлиши;
- Заковатли бўлиши;
- Педагогик туйғу;
- Юксак етуклик;
- Умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;
- Педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши**.**

**Ўқув топшириқлар гуруҳларда ишлаш**

**1 гуруҳ**

**1 топшириқ. Тест.**

Педагогик технологиянинг илмий-методик асоси нималардан иборат?

а) педагогик тизим назарияси, тизимлилик, технологик ёндашув;

б) таълим-тарбия қонуниятлари;

в) бихиовeристик назария;

г) суггрестив технология.

**2 топшириқ.** Ўқитувчи шахсига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тушунча беринг.

Жавоб беришда органайзерда «мантиқ чизма тузилиши»дан фойдаланинг.

**3 топшириқ.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Тафаккур» журналининг бош муҳаррири билан бўлган суҳбатидан цитаталар келтиринг.

Суҳбат ўтказилган вақти, суҳбат чоғида берилган саволлар ва жавоблар.

**4 топшириқ.** Қисқача хулоса келтиринг.

Педагогик маҳоратни эгаллашнинг қандай йўлларини биласиз?

**2 гуруҳ**

1 топшириқ. Тест.

Педагоглар малакасини оширишнинг асосий шакларини кўрсатинг?

а) мустақил билимлар эгаллаш ва малака ошириш курсларида ўқиш.

б) педагогик кенгашларда иштирок этиш.

в) жамоатчилик ишларида фаол қатнашиш.

г) узлуксиз таълимни давом эттириш.

д) очиқ дарслар ўтказиш.

**2 топшириқ. Муҳандис ўқитувчи моделига нималар киради.**

Жавоб беришда органайзерда «мантиқ чизма тузилиши»дан фойдаланинг.

**3 топшириқ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитувчига қўйилган талабларни кўрсатинг.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган. Миллий дастурда ўқитувчи ҳақида қандай маълумотлар мавжуд.

**4 топшириқ.** Қисқача хулоса келтиринг.

Педагогик қобилиятни қандай гуруҳлари фарқланади.

## 3 гуруҳ

**1 топшириқ. Тест.**

Педагогик назариянинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги аҳамияти, хусусан, шундаки:

а) ўқитувчи педагогик тафаккурини шакллантиради;

б) ўқитувчини касбий-услубий билимлар ва кўникмалар билан қуроллантиради;

в) ўқитувчини ўз фани бўйича махсус билимлар билан қуроллантиради;

г) ўқитувчида ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиради;

д) ўқитувчида педагогик қобилиятларини шакллантиради.

**2 топшириқ. Ўқитувчи шахси ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги мавқеи.**

Жавоб беришда органайзерда «мантиқ чизма тузилиши»дан фойдаланинг.

**3 топшириқ. И.А. Каримов асарларида ўқитувчи шахсига қўйилган талаблардан қисқа цитаталар келтиринг.**

И.А. аримовнинг таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги фикр ва мулоҳазалари.

**4 топшириқ.** Қисқача хулоса келтиринг.

Педагогик техника нималардан иборат.

## 4 гуруҳ

**1 топшириқ. Тест.**

**Касбий таълим тамойиллари қайси жавобда тўғри берилган?**

а) техника ва илмни ўқитиш, замонавий ишлаб чиқариш;

б) политехник, амалиёт ва назария, моделлаштириш, мобиллик, тартибли кетма-кетлик, атроф-муҳитни ташкил этиш;

в) ўқитилаётган фанни келажакда амалиётда қўллаш;

г) касбий билим бериш;

д) назарий билимларни амалиётда синаш.

**2 топшириқ. Олий макмаб ўқитувчисига қандай талаблар қўйилади.**

Жавоб беришда органайзерда «мантиқ чизма тузилиши»дан фойдаланинг.

**3 топшириқ. Кадрлар тайёрлаш миллий моделига нималар киради.**

**Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.**

**4 топшириқ.** Қисқача хулоса келтиринг.

Таълим жараёни технологиясини такомиллаштириш йўлларини кўрсатинг.

**«Педагогик технологияларнинг муаммолари, ечимлари ва йўналишлари» мавзуси бўйича муаммоли топшириқ**

**1-топшириқ. Педагогик технологияда муаммоли таълимнинг тузилиши ва мазмунига кўра турларини аниқланг ва мисоллар ёзинг?**

| **Мақсади-х** | **Фаолият объекти - х** | **Фаолият усули -х** | **Фаолият шарти-х** |
|---|---|---|---|
| Муаммоли таълимнинг даражалари-талабаларнинг фаоллик даражасига кўра | | | |
| 1-даража- ўз ҳолича сти-хияли вужудга келувчи муаммоли вазиятлар | 2 -даража- ўқитувчи фаол, талабалар эса пассив ҳолатда | 3-даража- ўқитувчи ва талабалар ҳамкорликда ишлайди | 4- даража талабалар фаол фаолиятда, ўқитувчи йўналтирувчи |

**2-топшириқ. Қуйидагилар асосида анъанавий таълим шаклига мисоллар келтиринг?**

Педагогика фанида мавжуд бўлган анъанавий хусусий метод қуйидаги характерли хусусиятларни ўз ичига олади:

1. Таълим мақсадлари аниқ белгиланмаган (Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари дастурларда аниқ белгиланмаган).
2. Таълим жараёни илғор педагогларни тажрибаларини умумлаштиришга асосланган (Ҳар бир яхшироқ натижага эришган ўқитувчининг тажрибасини умумлаштиришга ҳаракат килинади).
3. Тажриба ва хатоларни ўрганиш натижасида ўқитувчининг хусусий хулоса чиқаришига асосланади.
4. Бу тизим кафолатланган натижага эришишга имкон бермайди.

**3-топшириқ. Анъанавий таълим шаклининг ижобий ва салбий томонларини аниқланг?**

| **Ижобий томонлари** | ***Салбий томонлари*** |
|---|---|
| 1. Системалилик характерга эга | 1. Бир хиллиликнинг устунлиги |
| 2. Тартибга солинган, мантиқий боғланишнинг мавжудлиги | 2. Дарс вақтини тежамли тақсимланганлиги |

| | |
|---|---|
| 3. Ўқитувчининг эмоционал таъсири доимий | 3. Дарс вақтида янги мавзуни ўрганишда йўналиш берилади. Бу эса уй вазифага юклатилади |
| 4.Умумий ўқитишда ялпи ҳаракатларнинг оптималлиги | 4. Талабалар ўзаро мулоқотдан маҳрум |
| | 5. Мустақилликнинг йўқлиги |
| | 6 Талабалар пассив ҳолатни эгаллаши |
| | 7. Талабанинг нутқий фаолиятининг камлиги (ўртача 2 минут) |
| | 8. Ўрта меъёрий ёндашиш |
| | 9. Индивидуал ёндашувнинг йўқлиги<br>10. Кафолатланган натижага эга эмаслиги<br>11. Таълим мақсадлари аниқ белгиланмаган. |

**Муаммоли вазият (қарор қабул қилиш, муаммоча бўйича хулоса).**

| Муаммо шакли Якуний хулоса | | |
|---|---|---|
| Муаммочани шакллантириш | Қарорга келиш | Хулоса |
| | | |
| | | |

**Ўкув топшириқлари**

**1 гуруҳ**

**1 топшириқ.** Саволга жавоб беринг. Педагогик технологияларни тузишда қандай тамойилларга амал қилинади?

**2 топшириқ.** Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида Бумеранг технологиясидан қандай фойдаланилади. Тўлиқ тавсиф беринг?

**3 топшириқ.** Бошқа гуруҳлар билимини текшириш учун 3 та савол тузинг.

**2 гуруҳ**

**1 топшириқ.** Саволга жавоб беринг. Янги педагогик технологияларнинг келиб чиқиш тарихи. (Кластер усули асосида «педагогик технология»ни тузинг)

**2 топшириқ.** Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида «Иқтисодчи раҳбар» технологиясидан қандай фойдаланилади. Тўлиқ тавсиф беринг?

**3 топшириқ.** Бошқа гуруҳлар билимини текшириш учун 3 та савол тузинг.

**3 гуруҳ**

**1 топшириқ.** Саволга жавоб беринг. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да педагогик технология муаммолари.

**2 топшириқ.** Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида «Веер» (елпиғич) технологиясидан қандай фойдаланилади. Тўлиқ тавсиф беринг?

**3 топшириқ.** Бошқа гуруҳлар билимини текшириш учун 3 та савол тузинг.

**4 гуруҳ**

**1 топшириқ.** Саволга жавоб беринг. Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологиялар.

**2 топшириқ.** Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида «Қарорлар шажараси» технологиясидан қандай фойдаланилади. Тўлиқ тавсиф беринг?

**3 топшириқ.** Бошқа гуруҳлар билимини текшириш учун 3 та савол тузинг.

## Ўқув топшириқлари

1.Битта гапга савол ва жавоб тайёрланг

Таълим технологиялари, ахборот технологиялари, масофавий ўқитиш, муаммоли таълим, таълим истиқболи, илмий-техник тараққиёт тушунчалари ўзаро қандай алоқада?

2. Схема тузинг: «Ахборотлашган жамият».

3. Саволларга жавоб беринг:

**1)** Ахборот технологиясини бошқариш нима?

2) Маълумотларни ишлаб чиқиш, бошқаришнинг ахборот тизимлари деганда нима назарда тутилади?

3) Янги педагогик технология ва унинг истиқболи нималардан иборат?